



# Ishonch

**Моҳият**  
**Ўзбекистон**  
**Оллоҳнинг**  
**назари,**  
**меҳри туш-**  
**ган, файз ва**  
**барака ато**  
**этилган**  
**бетакрор**  
**заминдир.**  
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Ғаллакорларига

Қадрли юртдошлар!  
Шу кунларда ғалла тайёрлаш мавсумига яқин ясаб, юксак хирмон бунёд этган заҳматқаш ва фидойи деҳқонларимизнинг мардона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдириш, уларни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният етказди.

Бу йилги ўта оғир мавсум шароитида бундай улкан ғалабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони яратиш, жумладан, сугориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунагимиз ва бунинг учун азамат деҳқонларимизга ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, об-ҳаво гоят ноқулай келган, кучли сув танқислигининг салбий таъсири барча ҳудуд ва минтақаларимизда яққол сезилиб турган жорий йилда мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалик ходимлари ҳар қанчонгидан ҳам мураккаб қийинчиликларга дуч келганини қўллаб мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, кузда ва кўкларда ёғингарчиликнинг етарли даражада бўлмагани туфайли ғалла ниҳолларини бир текис ундириб олиш қанчалик қийин бўлганини эсга олайлик. Афсуски, бундай вазият кўп жойларда лалми майдонларга экилган ғалланинг нобуд бўлишига олиб келди. Сув танқислиги ўз навбатида сугориладиган майдонларда ҳам жиддий муаммоларни туғдирди. Тупроқда намлик даражасининг етишмаслиги, ҳаво ҳароратининг мейёридан ошиб кетиши, кишлоқ ҳўжалик зараркундалари ва турли касалликларнинг салбий таъсирини бартараф этиш деҳқонларимиздан катта матонат ва маҳоратни талаб қилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фақат ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш, агротехник тадбирларни пухта ўтказиш, барча куч ва имкониятларни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар қилиш, ҳар томчи сўвдан тежамкорлик билан фойдаланиш деҳқонларимизга бундай оғир синовдан ёруз юз билан чиқиш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, ернинг сирини чуқур билиш, тупроқ билан тиллашиб яшаш каби бизнинг деҳқонларимизга мансуб бўлган азалий тажриба ва омилкорлик фазилатлари жорий йилда мана шундай мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратди. Бу йилги ғалабани таъминлашда далада ишлаётган меҳнатчиларимизнинг онгу тафаккури тубдан ўзгариб, уларнинг ўз ери, ўз мулкига нисбатан эгаллик ҳисси кучайиб, ўз меҳнатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиб бораётгани ҳал қилувчи омил бўлди, деб айтишга тўлиқ асосимиз бор.

Албатта, белгиланган шартнома режасини адо этишда бутун кишлоқ ҳўжалиги соҳаси қатори ғаллачиликни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, имтиёзли кредитлар ажратиб бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани деҳқонларимиз учун катта куч ва мадад бағишлади.

Бу йилги мавсумда Андижон, Бўхоро, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик ўртача 53-64 центнерни ташкил этгани, Олтинқул, Пахтабод, Ромитан, Пешку, Тошлоқ, Қува, Иштигон, Пастдаргом, Оққўрғон, Денов, Сарбосиё, Дўстлик, Хатирчи, Китоб, Учқўрғон, Бобёвут туманларида бу кўрсаткич ўртача 60 центнердан юқори бўлгани миришкор ўзбек деҳқонининг қандай улуғвор ишларга қодир эканидан яққол далolat беради.

Сарбосиё туманидаги «Ҳайитали Боймуҳаммедов» фермер ҳўжалиги гектардан 88 центнер, Ғиждувон туманидаги «Маржона Файз» фермер ҳўжалиги 80 центнер, Балиқчи туманидаги «Обиджон ота» фермер ҳўжалиги 76 центнер, Зангиота туманидаги «Шўҳрат Зий» фермер ҳўжалиги 76 центнер, Учқўрғон туманидаги «Ҳакимбой» фермер ҳўжалиги 75 центнер, Хатирчи туманидаги «Баҳриддин ота» фермер ҳўжалиги 74 центнердан ошириб ҳосил олгани фермерлик ҳарақатининг нақадар беқисс имкониятларга эга эканини амалда кўрсатиб турибди.

Хурматли дўстлар!  
Қўлга киритилган бугунги улкан ғалаба ҳақида гапирганда, албатта, ўз дони-миз, ўз беиминант номимизга эга бўлиш, ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қўйган тарихий қадамларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Утган йиллар давомида ва бу йил юртимизда ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизнинг нақадар катта аҳамият ва қадр-қимматга эга эканини ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Агар 1991 йилда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, ушбу рақамларни бу йилги хирмон билан солиштирадиган бўлсак, тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 қарра ошгани мисолида бизнинг бу соҳада қандай улкан, тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз яққол намоён бўлади.

Бугун ана шундай рақамлар ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир ўта муҳим ва ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ҳолатни алоҳида таъкидлашдан бўлмайди.

Бундан 20 йил аввал, яъни совет тузуми даврида республикамизда тайёрланган ғалланинг барчаси давлат олдидagi мажбуриятни қоплаш учун топширилган, машаққатли меҳнати билан ҳосил етиштирилган деҳқоннинг ўзи эса, дон-сиз, унсиз қолиб кетар эди. Унинг устига, халқимизни боқиб учун ҳар йили 3,5-4 миллион тонна ғаллани четдан олиб келишга мажбур бўлган ҳолини эсласак, бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган умумий ҳосилимизнинг фақатгина 37 фоизи давлат олдидagi шартномами бажариш учун топширилаётгани кўп нарсани аңглатади. Тайёрланган доннинг аксарият қисми, яъни 55 фоиздан ортиғи фермер ҳўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилаётгани деҳқонларимизнинг омиборини ғаллага, рўзгорини қўт-баракага тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Мана шу биргина мисолнинг ўзидек Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллик қўтлуғи тўғрисида таъминлашда қандай беқисс имкониятлар яратиб берганини яққол, ҳеч қандай тартибот-ташвиқот талаб қилмайдиган исботи эмасми?

Айни вақтда ғаллачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озик-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сўт маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас.

Шу борада амалга оширган эътиборимиз таъминлаш туфайли биз эндиликда дон бўйича нафақат ўз ихтиёқларимизни тўла қондиришга, керак бўлса, ғаллани четга экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга мурасар бўлганимиз албатта барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги куннинг айёмда сиз, миришкор ғаллакорларимиз, илгор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мутаассадлар, бу улкан зафарга муносиб юксак қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизғин табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман. Ўзининг олижаноб, фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилаётган юртдошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ари-масин!  
Ҳаммша бахтингиз, омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



**Ватанимиз мустақиллигининг**  
**20 йиллигини муносиб кутиб**  
**олишни мақсад қилган**  
**ғаллакорларимиз**  
**6 миллион 800 минг**  
**тонналик улкан хирмон бунёд**  
**этиб, йиллик шартнома**  
**мажбуриятини ортиғи билан**  
**бажардилар.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

2011 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама қилиниди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирлари дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2011 йил 15 июлда мамлакат Парламентининг иккала палатаси қўшма мажлисида баён қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республика Ҳукумати томонидан иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва эркинлаштиришга, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, уни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари тизимини яратишга, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортинча тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган 12 та кўнун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида қабул қилинган, шу жумладан қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштиришга, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тубдан қисқартиришга, уларнинг товар-хомашё ресурсларидан, давлат харидлари тизимидан ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 15 июлдаги қўшма мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир комплекси, ҳар бир давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи, маҳаллий ижро ҳокимияти органининг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти натижалари ва қўшган ҳиссаси батафсил таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 6,8 фоизни, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 6,7 фоизни, экспорт ҳажмининг ўсиши 18,7 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сезиларли миқдордаги салбий динамикаси Аҳолининг истеъмол талабини янада ошириш юзасидан қўрилган тизимли чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 12,3 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни 14 фоизга, чакана товар айланмасини 14,6 фоизга қўлайлаштиришга имконият яратди. Давлат бюджетни профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Фаол инвестиция сибсатини амалга ошириш давом эттирилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми ўсиши таъминланди, 558 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қарийб 1,4 миллиард АҚШ доллари мақсадли хорижий инвестициялар жалб этилди, уларнинг 84,2 фоизи – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва Иқтисодиёт вазирлигининг таркибий ўзгаришлари чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг жадаллаштиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани комплекс ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти етарли эмаслиги қайд этилди. Муҳокама қилиш давомида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин қисқартириш бўйича таъсирчан чоралар қўрилишини таъминла-

ларни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Мажлис кун тартиби доирасида инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш, кишлоқда қурилаётган уй-жой ва ижтимоий соҳа объектиларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича республикада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини таҳлил қилинди. Ўзбекистон миллий автомагистралнинг 156 километр узунлигидаги айрим участкаларини қуриш ишлари тугалланди. Яқка тартибдаги уй-жой қурилаётган янги кишлоқ маззелларида намунавий лойиҳалар бўйича 2260 та уй-жой топширилди.

«Кишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари раҳбарлари янги қурилаётган кишлоқ маззелларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни ва ташқи муҳандислик объектиларини фойдаланишга топширишни жадаллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

(Боши 1-бетда)

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2012 йил учун қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Мажлисида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилишини, шунингдек касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини таҳлил қилишга бўйича эътибор берилди. Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 520,2 мингтадан ортиқ янги иш ўрни, шу жумладан қишлоқ жойларда 352,6 мингта янги иш ўрни яратилиши таъминланди.

Шу билан бирга, белгиланган параметрларга мувофиқ янги иш ўринлари яратиш ишларини ташкил этиш, бу борадаги қўшимча захираларни излаб топиш ва сафарбар этиш бўйича ишлар талаб даражасида эмаслиги учун республиканинг бир қатор туманлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги раҳбарларининг олдида 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг сўзасиз бажарилиши, шунингдек касб-ҳунар коллежларининг барча битирувчиларини ишга жойлаштирилишини таъминлаш учун барча даражадаги раҳбар ходимларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш топширилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини қуз-қиш даврига тайёрлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, «Узтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларининг бутун комплекси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳолини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан мақбул нархларда қафоллати таъминлаш учун уларни тайёрлаш ва гамлашни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Хукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳофаза қилиш яқинлари бўйича 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 15 июлдаги қўшма қароридан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини сўзасиз таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаганман. Олтириқ тумани нуронийлар кенгаши аъзоси сифатида ҳануз жамоат ишларида қатнашман. Нафақага чиққангидан кейин бешта тарбиявий йўналишдаги катта-кичик китобларим чоп этилди. Гоҳ ҳаёл олиб қочади. Бизнинг ёшлигимиз билан ҳозирги ёшлар... ўша давр кексалари билан бугунги нуронийлар... Ўйлаб туриб, шу кунларга етказгани учун Парвардигорга шукурлар айтаман.



Истиқлол фрайзи

Ҳар сафар Тошкентга борганимда ўзгаришларни кўриб, ўзимда йўқ қувонаман. Телеминорага чиқсам, тушим келмайди. Пойтахт жамолини хузур қилиб томоша қиламан. Хаста Имомга бориб «Усмон Мусхафи Куръони»ни зиёрат қиламан. Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ота-боболаримиз барпо қилган мадраса, масжид, минораларни томоша қилиб ҳайратдан ёқа ушлаганимиз, уларни барпо қилган меъморларга қойил қолганимиз эсимда. «Хаста Имом» мажмуаси қисқа фурсатда кўз ўнгимизда қуриб битказилди. Темурийлар музейи, Оксарой, Сенат биноси, Мустақиллик майдонини кўриб кўзинг қувонади, дилинг яйрайди. Азиз-авлиёларга, улуг зотларга кўрсатилган ҳурмат, қадимжоларига мухташам мажмуалар барпо этилиб, руҳлари шод қилинганлигини мустақиллигимиз шарофатидан, Президентимизнинг доноларча иш туттишидан деб биламиз.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби ўтган даврда Олтириқ туманида ҳам ниҳоятда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ ҳўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олиниб, режалар ҳар йили ортиғи билан адо этиляпти. Туман ҳокимлиги раҳбарлигида ободонлаштириш, кўкчаларнинг яшилдириш, маданий-маиший, спорт иншоотлари қуриш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан янги режа асосида қурилаётган уйлар туманимиз ҳуснига хусн қўшиш билан бирга, ёш оилалар эҳтиёжини таъмин этмоқда. 2010 йилда 115 та, жорий йилда ҳозиргача 32 та уй қурилиб, эгаларига топширилди. Йил охиригача яна 20 та оила янги уйга кўчиб ўтади. Тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати билан Полосон қишлоғида стадион қурилиши тугаланиши арафасида. Туманимизда ташкил этилган «Имкон» футбол жамоаси республика биринчи лигасида муносиб иштирок этапти. Олтириқ уста хунармандлари, тадбиркор ва миришкор деҳқонлари билан доврғу таратган. Яқингинада махси тикиб, тўнининг ичида яшириб сотишга мажбур бўлган қосиблар ҳозирда кенг, ёруғ, замонавий дастгоҳлар билан жи-

ҳозланган биналарда ҳадиксиз меҳнат қилапти. Оддий эшик ромни пана-пасткам жойда ясаб, яшириб сотиб, тиркичлик ўтказган хунармандлар эндиликда фабрикаликдан кам бўлмаган мебелларни ишлаб чиқариб, сотмоқда. Булар ҳусусий тадбиркорликнинг ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишининг самараси. Олтириқ миришкор деҳқонлари етиш-тириш узуми, бодиринг, турпаларни татиб қурмаган кам топилади. Хуллас, олтириқликлар ҳам ишонч, умид ва яратувчилик руҳида яшаб, истиқлолимизнинг 20 йиллик муборак байрамини муносиб кутиб олиш учун сидқидилдан меҳнат қиляптилар. Кўпчилиги бу замон ёшларининг бахти, дейди. Жоиз бўлса, айтиш мумкин, бу кунлар кексаларнинг ҳам толеидир. Ёшлар бундан ҳам фаровон замонларда яшайдилар. Бунга ишончли замин яратилапти. Беҳад шукурлар бўлсинки, биз кексаларга ҳам ана шундай файзли замони кўриш насиб этиб турибди.

Эминжон ҚўЛМАТОВ, меҳнат фахрийси Олтириқ тумани

Ўқув муассасаларида таълим-тарбия сифатини янада ошириш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, иқтидорли талабаларнинг янги қирраларини кашф этиш, уларнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида таҳсинга лойиқ.

Истиқбол эгалари

Икки йилдирки, мураббий Ботир Раҳмоновдан спортнинг қўл жанги турини ўрганяпман. Март ойи Фарғона вилоятида ўтган республика турнири мен учун катта тажриба мактаби бўлди. Мусобақадан кейин устозим билан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш устида ишладик. Яқинда Наманганда ташкил этилган халқаро турнирда 70 кг. вазн тоифасида иккинчи ўринни эгалладим. Навбат пойтахтда ўтайдиган республика биринчилигига... Хуллас, спорт соҳасида ниятларим улкан.

Бугунги кун талабаси эртанги куннинг малакали мутахассиси, истиқбол эгасидир. Бу ҳар биримиздан катта интилиш ва ўқиб-ўрганишни талаб этади.

Биз — ёшлар Президентимиз ишончини, албатта, оқлаймиш!

Хуришд ПЎЛТАТОВ, Қарши иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

Ободлик юртининг кўрғи ҳисобланади. Ватанини севган ҳар бир инсон унинг янада чирой очинишига ҳисса қўшади. Туманимиз марказида маъмурий биналар, ўқув масканлари, ташкилотлар ҳудудини гулзорга айлантириш, йўл четдаги аркиларни чиққандан тозалаш, манзарали дарахтларни сугориш, оқлаш, шалғи бериш намуналар ташкил этилмоқда. Жорий йилда туман маркази ва шаҳар тилидаги посёлкаларда 3432 турдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Икки гектардан ошқ майдонда 54 минг туддан зиёд ҳар хил мавсумий гуллар экилди.

Кумқўрғон — обод маскан

Бу йил Наврўз байрами арафасида «Наврўз» истироҳат боғида катта бунёдкорликни амалга оширдик. Саҳна биналари, бетон майдончалар, ижарадаги биналар қайта таъмирланди. 68 донга тунги чироқ ўрнатилди. Гул қўчатлари экилди. Шунингдек, туман марказидаги кўчаларни тунда ёритиш мақсадида 580 та ёритиш чироқлари алмаштирилди. Яроқсиз бўлиб қолган симлар ҳам янгиланди.

«Биз — бунёдкор халқимиз» танловига



Инсоннинг ўз касби билан фахрланиши нақадар мароқли. Қилаётган ишингдан завқланиш, унга бор меҳрининг бериш бу — умрининг беҳуда ўтмаётганлигидан дарак беради. Хали ёш бўлса-да, 100 дан ортиқ шогирдларнинг севимли устози Бухоролик зардўз-патдўз Гулноз Тўхтаева ҳам ана шундай ўз ишини жон дили билан бажарадиган аёллардан.


— Патдўз-зардўзлик менга буйимдан мерос бўлиб қолган, — дейди у. — Йигирма бир йилдан бери шу хунар орқасидан эл орасида ҳурмат топиб келмоқдаман. Ниятларим кўп. Хунарим орқали юртимизнинг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга бўлишни истайман.

Назира БОЙМУРОВА олган сурат

Ҳажмдаги йўл асфалтланди. Бу йил ҳам йўللари асфалтлаш ва тош ётқизиш ишлари давом эттириляпти. Гул етиштириш бўйича мутахассис Шаҳринисо Чориева идорамиз атрофидаги бўш

Тараддуд

юклагич, сувсепгич ва бошқа техникаларни яқин кунларда олиб келамиз. Ишчи-хизматчилар коржомалар билан таъминланган. Уларга ҳар кун бир маҳал иссиқ овқат берилаяпти. Айти пайтда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига пухта ҳозирлик қўраяпти. Туман марказидаги хонадонларнинг ташқи томонини маблағимиз ва ҳомийларни жалб этган ҳолда таъмирлашни бошлаб юбордик. Боғмат ЖУМАЕВ, Кумқўрғон туман «Ободонлаштириш бўлими» бошлиғи



## Санаторий ҳақида

Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб замонавий типдаги санаторий-профилактика санаторийлари бўлиб, уларда ҳар йили 60-70 минг киши даволанади. Шундай шифо масканларидан бири «Чинобод санаторийси» бўлиб, у Юнусобод туманининг Обид Зокиров кўчасида жойлашган, денгиз сатҳидан 470 метр баландликда. 1963 йилдан бошлаб бу ерда 1544 метр чуқурликдан химиявий таркиби буйича хлорид сульфатли, натрий гидрокарбонатли, 48-50 °С ҳароратли маъданли сув манбаидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Санаторий ер майдони 18 гектар бўлиб, ўзига хос иқлими билан ажралиб туради. Ёзда бу ерда ҳарорат 26-30 °С, қишда - 1-5 °С бўлиб, нисбий намлик 45%, кўшги кунлар давомийлиги йилига 2800 соатни ташкил этади. Йил давомида яшнаб турадиган дараклар, анвойи гуллар, осуда хиббон инсон саломатлигини тиклаш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда санаторий ҳудудида қад кўтарган замонавий бинолар, даволаш бўлимлари, 250 ўринли маданият саройи, ёғи ва қишқи кинотеатр, ошхона, чойхона, дўконлар, кутубхона, спорт майдончалари, гимнастика зали, гузаллиги билан ҳаммани ром этувчи тову ва кийиклар вальералари, қайта капитал таъмирланган ётоқ биноси, дам олиш хоналарининг ҳаммаси дам олувчилар учун хизмат қилмоқда.

2001 йилда очик акционерлик жамиятига айланган «Чинобод санаторийси» да асосий даволаш муолажалари табиий бойликлардан кенг қўлдан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Булар сирасига санаторий маъданли сувини ичиш, ванна қабул қилиш, Жиззахдаги «Балиқчи» кўлидан келтирилган шифобахш балчиқдан фойдаланиш, «Йодшифо» плазмаси орқали даволаш кабилар кирди. Бундан ташқари, парафин ва озокерит, юқори ва паст частотали ток, лазер, инфр-қизил ва ультрафиолет нурулар, даволаш физкультураси, милкларни чайиш, ошқозон ва ичакни ювиш, дуоденал дренажлар, уқалаш усуллари ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. 2007 йилдан гурудоотерапия, аромотерапия, колонскопия, остеопатия ва умуртқа поғонаси грехиси касалликларидан умуртқа поғонасини дозали

# Бошлар тебранади, қарс урар қўллар




тортиш каби янги даволаш усуллари қўллана бошланди. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида бу ерда жами 6921 нафар даволанувчи шифо топиб, мароқли ҳордиқ чиқариб қайтишди. Санаторийда кишилар нафақат даволанади, балки уларга маънавий, маданий озуқа ҳам улашди. Биргина шу йилнинг ҳозирги давригагина ўтказилган маданий-маърифий тадбирларни санайдиган бўлсак, кўп вақт керак бўлади. 240 ўринли йиғинларга мўлжалланган зал, 6338 та китобга эга замонавий кутубхона, 20 ўринли кўрама, «Маънавият тарғибот маркази» хонаси давомида фаолиятда. «Кичик бизнес мекхнати, газета ҳақидаги илқ фикрларини билдириб ўтди.

Шундай маърифий тадбирлардан бири «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари хизмати билан уларнинг тарзида уюштирилди.

Лотинча «Sanage» (даволаш) сўзидан келиб чиққан санаторийлар тарихи ҳақида биласизми? Билмасангиз билиб олинг: биринчи санаторий типидagi муассаса 1640 йили Францияда барпо этилган. Юртимизда 1919 йили Туркистон Халқ саломатлигини сақлаш қўмитаси буйруғи билан Семашко номидаги илмий текшириш институтига 6 ўринли физиотерапия бўлими очилган...

## Учрашув



ни қўлга олсам, газета ушлагандай бўлман?

— Газетанинг позицияси ҳақида иккита мисол келтирарман, — деди бош муҳаррир А.Абдуразоқов. — Ҳозир қўлингизга берилган бугунги сонда, агар эътибор берган бўлсангиз, «Кимга ишониб керак» сарлавҳали танқидий мақола бор. Ёки 16 июл кунги сонда «Радия бериш рад этилади» сарлавҳали каттагина мақолани ўқинг. Мана, бизнинг позициямиз шундай. Форматга келсак, ҳафтада уч марта катта сон, икки ҳафтада бир марта кичик форматли сонимиз чиқади. Муҳими, берилаётган материаллар саломатида, деб ўйлайман.



— Кўриб турибсизларки, бизларда шундай кенг фикрли, зиёли одамлар дам олишади, — деди давработилик қилаётган **Ҳолида ОЧИЛОВА**. — Бундан 25 йил муқаддам мана шу санаторийга хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий аппарат олам, деганимда қўлгига қолган. Аммо уч йил курашганимдан сўнг аппаратга етишганимиз. Истиқлолдан кейинги имкониятларимизга биргина мисол шуки, бугун бизга қар қандай асбоб-анжом керак бўлса, ҳеч бир муаммосиз тезда унга эришамиз. Бу гапларни тўқилганиб кетганимдан айтаман. Энди мен ҳам шэр ўқимочиман: «Агар аёл бўлмасан...»

...Навбат куй-қўшиққа етди. Ҳозир кўнгли авж олиб бораверди. Дарҳақиқат, бу аҳойиб оқшомда ўзининг тўйда ўтирган азиз меҳмониди сезасиз. Шундай доруломон кунларда яшаётганимиздан дилда шукроналик ҳисси тўлиб-тошади. Бошлар тебранади, қўллар қарс уради. Ҳақиқий шодибна, хурсандчилик. Зеро, озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Бугунги мазмуни сўхбат, шэр, куй-қўшиқ билан безанган файли кеча ҳам муқтақил Ватанимизнинг 20 йиллик тўйдан бир парча, учкун, нишона бўлди, десади, адашман бўлаемиз. Илоҳим, туй-туйга уланаверсин!


**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**, «Ishonch» муҳбири. **Фозил МАМАШАРИПОВ** олган суратлар

Тогларни севаман, мағрур тоғларни, Чўққилар савлати баҳайбат, улкан. Оламнинг борлиги тоғларда азал,

...Дунёда мағрурлик тоғлардан мерос, Чўққилар савлати баҳайбат, улкан. Истайман яшашни ҳаётда мен ҳам, Тог каби бағрикенг одамлар билан...

Чумчук сўйс ҳам қассоб сўйсин экан. Довуд ака шoir ҳам. Шунинг учун шэрини тургатиб, охириг жумлада ўтир-галларга, «ўша бағрикенг одамлар мана шу ерда ўтирибди», дегандай ишора қилди. Бундан завқланган бир ишқибоз иштиёқ билан даврага отилиб чиқди. Ҳаяжондан титраблар кетади. Шундай пайтда адабиётнинг сеҳрига қойил қолсан, киши.

— Мен Самарқанд вилоятидан келганман. Иسمим Абдусаттор, фамилиям Одинаев. Шифоқорман. Ҳозир ўқилаётган шэрларни аэшитиб ўтириб, шэр ўқигим келиб кетди. Сизларга «Ўзбек аёли» номли шэримни ўқиб бераман...



Кейинги сўзга чиқувчи одам ўзини танитмасиданқ, уни танидик — **Йўлдош СОЛИҚНОВ**. Фаргона Давлат университети профессори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Газетамизга мақола, шэр ва мулоҳазала-

## Ажиб бир оқшом

2011 йилнинг 21 июли. Соат 19.00. Санаторийга кириб бордик. Салқин ҳаво димоққа ажиб бўйларни уфурди. Гарчи кун бўйи ишлаган бўлсангиз-да, руҳингизда тозарши, танангизда энгилликни ҳис қиласиз. Дастлабки бизни қувонтирган нарса — олиб борган газета-ю китобларимиз талаш бўлиб кетди. Ҳатто дастхат ҳурчилар ҳам топиладиган ифтихор аралаш бироз ийманиш пайдо бўлди. Чунки, қарийб 300 га яқин дам олувчи бизга диққат билан термулади. Айниқса, болаларнинг шодонлиги ўзгача. Бир иккита жўрватли, шўхроқлари суратга ҳам олишади. Майин мусика садолари янграб турган амфитеатр росмана байрам тусини олган.

Тадбирни санаторий олий тоифали шифоқори **Ҳолида Очилиова** очиб бераркан, журналистларнинг машаққатли меҳнати, газета ҳақидаги илқ фикрларини билдириб ўтди.

— Ассалому алайкум азиз меҳмонлар. Сизларни меҳмон дед атаётганим боиси ҳаммангизга тушунарлидир, —

деди газета номидан сўзлаган мамнунлик билан йўлга отландик.

**Довуд МАДИЕВ:** — Қачонки, кўнгли хотиржам, соғлиқ жойида бўлсанга одамга ҳамма нарса татийди. Ҳозир сизлар дам олишга келгансиз. Бизнинг ниятимиз қай-фиятингизга янада кўтаринклик бағишлашдир. Шунинг учун бир шэр ўқиб берсам:

## Солиқ ва биз

мизнинг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилиш» ташкил этиш тизимини такомиллаштириш

июнидан бошлаб жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ҳодимлар сонининг чегаравий миқдори 50 тадан 100 тагача қўйилтирилди.

Масалан, авваллари пластмасса, лакбўёқ, машинаш кимё, пойабзал махсулотлари ишлаб чиқариш, юк ва энгил автомобиллари таъмирлаш каби хизматларни юри-

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони билан янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувлари-дан ўтказилмайди.

Шунингдек, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаятган, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилиши таъқиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, шу йилнинг 1

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга яратилаётган қўлай шарт-шароит ва уларга берилаётган имтиёзлар соҳани ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар зиммасидаги солиқ юкни камайтириш ва молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 2005-2010 йиллар орасида белгиланган 13 фоиздан 7 фоизгача камайтирилгани ҳам бунга аққол мисол бўлиши мумкин. 2011 йилда бу кўрсаткич янада пасайтирилиб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари микрофирма ва кичик корхоналар учун 6 фоизга туширилди.

# Кичик бизнес учун катта имкониятлар

Республикаимиз солиқ қончилигига асосан тадбиркорлар солиқ солишининг умумбелгиланган ёки соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Янги кичик корхона раҳбарияти ўз хоҳишига қараб бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови тўлаш тартибини танлаши мумкин.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини танлаган микрофирма ёки кичик корхоналар ягона солиқ тўлови тўлаш мuddатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мuddатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади. (Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотерейаларни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш доирасида юридик шахслар бундан мустасно).

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон

қилинган давлат солиқ хизмати ҳодимлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатди. Мазкур Давлат дастурида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар учун бир қатор янги имтиёз ва энгилликлар кўзда тутилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қўлай шарт-шароитлар яратиб, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмининг такомиллаштириш ва унификациялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асосиз аралашуви учун жавобгарлигини қучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши-ни таъминлаш мақсадида Президентини-

«POYTAХT AUKSION» ДУК ўтказилган аукцион савдолари натижаларига қўра, Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирилик савдо бошқармасининг 2-ҳарбий савдо давлат корхонасининг «ДТ-75» русумли трактор — 1600000 сўмга; «МТЗ-82» русумли трактор — 1950000 сўмга, д/р 11ТР664 бўлган «УАЗ-33031» — 1150000 сўмга; д/р 11ТР667 бўлган «ЗИЛ-130» — 2000000 сўмга; д/р 11ТР663 бўлган «ММЗ-4502» — 2200000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирилик савдо бошқармаси автокорхонасининг д/р 10ТQ709 бўлган «Камаз-5410» — 4350000 сўмга; д/р 10ТQ725 бўлган «ЗИЛ-ММЗ-4502» — 2600000 сўмга; д/р 10ТQ713 бўлган «МАЗ-54322» — 4 450 000 сўмга; д/р 10ТQ754 бўлган «ГАЗ-53» — 2750000 сўмга; д/р 10ТQ753 бўлган «ГАЗ-53» — 2750000 сўмга; д/р 10ТQ747 бўлган «ГАЗ-3307» — 2700000 сўмга; д/р 10ТQ749 бўлган «ГАЗ-3307» — 2700000 сўмга; д/р 10ТQ743 бўлган «УАЗ-33031» — 1950000 сўмга; д/р 10ТQ701 бўлган «УАЗ-3151» — 1 950 000 сўмга; Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти консалтинг марказининг д/р 01/878МВА бўлган «Лада 21104» — 9100000 сўмга; д/р 01/858МВА бўлган «Лада 11174» — 10300000 сўмга; «Toshkentvino kombinat» ОАЖнинг д/р 10АТ920 бўлган «ЗИЛ 431410» — 8800000 сўмга; Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекциясининг д/р 10ВС701 бўлган «Опель Omega» — 11950000 сўмга; «Yo lovcittransservis» агона ҳўжалик ҳисобидagi марказининг д/р 01/048LBA бўлган «Нексия Донс» — 11500000 сўмга; Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг д/р 01/874НВА бўлган «Дамас» — 5500000 сўмга ва Тошкент шаҳр, Мирзо Улуғбек тумани, Неймат кўчасида жойлашган сатиҳ 0,03 га бўлган 4-та ёр участкаси жами 40000000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Шунингдек, «POYTAХT AUKSION» Давлат унитар корхонаси тугатилишига муносабати билан 25 июлдан бошлаб аукцион савдолари ўтказиш тўхтатилишини маълум қилади.

Ўзбекистон қасаба уюмчалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши жамоаси жамият Марказий кенгаши ишлар бошқарувчиси **Файз ИСОМИЯТДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши жамоаси Кува тумани бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси Икромжон Комилова акиси **Орифжон КОМИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуккур таъзия изҳор этади.

Болалар ёзи — 2011



Бу йилги мавсумда экологик аҳоли оғир бўлган Хоразм вилоятида яшовчи 1500 дан зиёд ўғил-қиз Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида дам олдирилди. Кунни кеча 300 нафар дам олувчи Тошкент темирйўл вокзалидан уйларига кузатилади.



## ҚАЛБДА ҚУВОНЧ БИЛАН


**Гулбахор Салаева, Урганч туманидаги 9-МТМ тарбиячиси:** — Ҳақиқат, ёшлар кун давомида 40 нафар ўқувчи Туябўғиз қўрғони, «Меҳржон» оромгоҳларида бўлишди. Ёзги оромгоҳларнинг очиш ва ёпилиш маросими, 2 кунлик спартакиада, туғилган кун, «Тескари кун», «Кувноқ чойхона» каби ўйинларда ўқувчиларим факрли ўринларни эгаллашди. Тошкент денгизига қилинган 2 кунлик саёҳат болаларда яхши таассурот қолдирди.

Юз-кўзида ҳаяжон акс этган болалар билан суҳбатлашганимизда, оромгоҳ кўйида кечган лаҳзалари ҳақида севиниб гапиришди. — Қўшлар ҳақидаги танловда тўғри жавоб бериб, ғолиб бўлдим, — дейди 11 ёшли Азизбек Собиров. — «Кувноқ экспресс» ўйинида эса Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб, давлат рамзалари ҳақида савол-жавоблар бўлди. Биз унда фаол қатнашдик.

— Уч мавсум ҳам кўнгиладигидек ўтди, — дейди «Меҳржон» оромгоҳининг маънавий-маърифий ишлар раҳбари Наргиза Ортиқова. — Тадбирларимиз болалар учун қизиқарли бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Камолот» ЁИХ ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг ташрифи болаларда яхши таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, ёшнинг кўнгиладигидек ўтгани болаларнинг шодон чеҳрасидан кўриниб турарди.

Назира БОЙМУРОДОВА,  
«Ishonch» мухбири.



Муаллиф олган суратлар.

Хайрли ташаббус

## Фарзанднинг бегонаси бўлмайди

Айни болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми кетаётган вақтда «Ўзбеккабел» очик акциядорлик жамияти маъмурияти ҳамда бошлангич касба уюшма кўмитаси хайрли ташаббус билан чиқди. Мустақиллигимизни ҳимоя қилиш йўлида вафот этган ҳарбий хизматчилар ҳамда пойтахт шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг 100 нафар фарзандига «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланма ажратилди.

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида йўлланмалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Фарзанднинг бегонаси бўлмайди, — деди тадбирда сўзга чиққан «Ўзбеккабел» корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Рустам Турсунов. — У кимнинг фарзанди бўлишидан қатъи назар, болаликнинг беғубор онларини кўнгиладигидек ўтказишга ҳақли. Биз ушбу хомийлик ёрдами бундан буён ҳам давом эттириш ниятидамыз.

Йўлланмалар топширилгач, оналар дил сўзларини изхор этишди.

— Мен Чиноз туманидаги сув ҳўжалиги бошқармасида муҳандис бўлиб ишлайман, — дейди Ҳабиба Аюпова. — Турмуш ўртоғим хизмат



бурчини ўтаётган пайтда ҳалок бўлганди. Бугун хомийлик ёрдами сифатида қизим Хуршида Алижонов вага бепул йўлланма топширилди. Бундан, албатта, хурсандман. Чунки атрофидан сени қўллаб-қувватлайдиган инсонлар борлигини ҳис қилишнинг ўзи ҳам бир бахт.


Неъмат РАФИҚОВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Жаҳонгир ЮНУСОВ  
олган сурат

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

йигирма йиллиги олдидан

Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади юртимизда ёш авлодни ҳисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, моҳир спортчиларни тарбиялашдан иборат. Шу мақсадда ҳар йили анъанавий тарзда турли мавзуда камида учта-тўртта тадбир ўтказилаётир.

## Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ўттизга яқин спорт федерациясини бирлаштирган



— Жамоат ташкилоти бўлганлиги учун асосан ҳомийлар билан ҳамкорликда фаолият юритамиз, — дейди марказнинг халқаро алоқалар бўйича Бош котиб ўринбосари Карим Давлетмендов. — Хорижлик ҳамкорларимиз турли клуб ва федерацияларда ўзаро тажриба алмашиш учун спорт делегацияси билан ташриф буюриб, кўргазмалари чиқишлар намойиш этилади. Масалан, Жанубий Корея, Япония, Россия, Индонезия каби давлатлар билан доимий алоқа йўлга қўйилган. Шунингдек, йиллик режага асосан, вакилларимиз кўргазманинг турли давлатларида сафарда бўлиб, шарқона ва миллий спорт турларимизни тарғиб этишади.

Ҳар баҳорда «Спортчилар оиласи» тадбири юқори савида ташкил этилади. Унда иштирок этаётган оиланинг ҳар бир аъзоси бирор шарқ яккакураши тури билан шуғулланаётган бўлиши лозим. Эстафета, кўргазмалари чиқишлар ва ҳар бир спорт турининг ўзига хос техник ҳаракатлари маҳорат билан кўрсатилиши талаб этилади. Шунингдек, Шарқ яккакурашларининг махсус техник ҳаракатлари бўйича танлов бўлиб

ўтади. Хориж спорт федерациялари таклиф этилиб, «Туркистон» саройининг ёзги биносига катта байрам тадбири уюштирилади.

Марказимизга ҳар қандай шарқона спорт турлари аъзо бўлиши ва ҳамкорликда фаолиятини ривожлантириши мумкин. Уларга маҳаллий ҳокимият органлари, турли ҳамкор ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқани йўлга қўйишда амалий ёрдам берилади. Яқинда кураш ва дзюдо спорт турлари аъзоларига қабул қилинди.

Марказ савобли ишларга ҳам бош-қош. Меҳрибонлик уйларига беғараз кўмак бериш ва совға-салом улашиш шулар жумласидан. Спортчиларимиз ушбу муассасаларга бориб, шоу томошалар, кўргазмалари чиқишлар намойиш этиб, болажонларнинг кўнгилида умид ва ишончнинг мустаҳкамлашга ҳаракат қилишади.

Марказнинг яна бир эзгу аънанасини айтиб ўтмасдан бўлмайди. Катта спортда улкан ютуқларга эришиб, юртининг шаънини дунё майдонларида муносиб ҳимоя этган фахрий спортчиларимиз ҳаминша ардоғимизда.

Нарзулла МАХАМОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Саҳнамиз юлдузлари

### Эл ардоғидаги санъаткор

1968 йили Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини битириш арафасида Зикир Муҳаммаджонов ижоди ҳақида диплом иши ёздим. Ўшанда машҳур санъаткорнинг актёрлик маҳорати билан чуқур танишганман.



Зикир Муҳаммаджоновнинг саҳнада яратган Фурқат, («Фурқат»), Ориф («Имон»), Бойтемир («Сарвақомат дилбарим») образлари дилмига ажиб гулгула солганди. Кейин эса у Ойбекнинг «Кутлуг қон» асари саҳнага қўйилганда хизматкор Ермат образи билан томошабин қалбига кириб борди. Диплом ишим Зикир ака билан суҳбат тарзида ёзилди. Кўпроқ театрда учрашардик.

Устоз санъаткор тўқсон ёшга қаршилган бўлса-да, театрни тарк этгани йўқ. Томошабинга чексиз ҳурмати боис, саҳнада Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаро каби тарихий шахслар қиёфасини аjoyиб тарзда яратди. Нафақат театрда, кино, телевидение, радио, матбуоту нашриёт соҳасида ҳам муносиб ўрни бор.

У кишидек пиру бадавлат, улғў ёшли санъат

фидойиси бўлиш кўпчилигининг ораси. Зикир Муҳаммаджоновнинг панд-насихатига амал қилган Турғун Азизов, Пўлат Саидқосимов, Рихис Иброҳимова, Пўлат Носиров, Эркин Комилов, Теша Мўминов каби актёрлар бугун саҳна етакчиларидир.

Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Зикир Муҳаммаджонов театримиз тарихи билимдон сифатида бир қанча хотира, мақола, китоблар муаллифи ҳисобланади. Деярли барча газета-журналда санъат ва санъаткорлар ҳақида эсдаликлари чоп этилган. У киши ҳамон тинмайди: ёзади, ўйнайди, ўйлайди, гапирди. Ни-маики қилмасин, кўргану эшитганларни ибратга қорлайди. Бундай одамларнинг борлиги бахтимиз, бойлигимиздир.

Маҳмуд АҚМЕДОВ,  
Ўзбекистон театр арбоблари ва Бадий ижодкорлар уюшмалари аъзоси

## Оқ йўл сенга, ёш мутахассис


Навоий давлат педагогика институтида битирувчи магистр ва талабалар билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда институт ректори, педагогика фанлари доктори Холбой Ибрагимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Пардаева уларни қутлаб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Шунингдек, магистр Н.Эгамқулова, бакалавриятни тамомлаган Б.Бозоров, С.Тошмуратов устозларга самимий дил истагини билдиришди.

Санъаткорларнинг жозибали куй-кўшиқлари битирувчиларга қувонч бахш этди.

Нормурод БЕКМУРОДОВ,  
институт касба уюшма кўмитаси раиси



Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида «Келажак овози — 2011» ёзги ўқув машғулоти ташкил қилинди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган анъанавий лойиҳада 500 нафар иқтидорли ўғил-қиз иштирок этди.

Икки ҳафта давомида ёшлар тадбиркорлик ва бизнес, журналистика, таржи-

## Муштарий илҳоми

Мен сени жонимдан севаман, Ватан

Муносиб раҳбарлик, кўнгилинг нури,  
Қўбдиқ тугамас меҳрини кўри,  
Соғинч кетмонидан қўл қафти қадок,  
Жаннат дийримининг фаршга, хури —  
Мен сени жонимдан севаман, Ватан.

Ишонган сулуғчи, ишонган тоғин,  
Зафаримни кўриб димоғи чоғин,  
Йилқилган чоғимда қўлим тутгучи  
Энг сўнги ишончим, сўнги паноҳим —  
Мен сени жонимдан севаман, Ватан.

Хориқ жаннат бўлсин, эмиқ меҳрибоним,  
Севинч қўчқўлларда шорам, султаним.  
Тўйларинга тўйлар уланаверсин  
Болғи наҳрам бағаб турган меҳрибоним —  
Мен сени жонимдан севаман, Ватан.

Шоира МАМАДАЛИЕВА

монлик каби йўналишларда малакали тренерлар ва хорижлик етакчи мутахассислар кўмағида билим ва кўникмаларини оширди. Бундан ташқари, бизнес лойиҳалар тақдими, турли мавзуларда дебатлар ҳамда бизнес-форумлар ўтказилди.

Суратларда: машғулот иштирокчилари; «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоли, фарғоналик Зарнигор Омониллаева.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ  
(ЎЗА) олган суратлар



Тошкент шаҳар савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар Ангил меbel санoати ва коммунал маъий хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси кенгашларининг қўшилиши муносабати билан ушбу иккита касба уюшмаси кенгашига эътироз ва бошқа мунозабатларни Тошкент шаҳар Мўқимий 1-«Б» кўчасида жойлашган «Тошкент шаҳар Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари» касба уюшмаси кенгашига билдиришингиз мумкин. Тел: 280-60-27.253-19-13.

**Insonga naf keltirish**  
KASABA UYUSHMALARI FEDERATSİYASI OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN  
oliy baxt

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'lqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 27;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Surxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99890 232 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
A. Abdullayev  
Navbatchi:  
A. Arslonov  
Musahhih:  
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

\*Ishonch-dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Tijorat materiallari**  
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 22.35  
Topshirildi - 23.25

**Buyurtma № — 711**  
13652 nusxada bosildi  
1 2 3 5